

Йигирма йил бўлди – Мустақил эмиш,
Бу давринг ажиб бир даврондир, Ватан.
«Олтин қафас ичра қизил гул» эмиш,
«Булбулга тикандек ошён»дир Ватан!

Хануз қутилмадинг жабру-зулмдан,
Эй халқим, пешонанг шўр экан чиндан,
Билмадим, сен нажот кутасан кимдан?
Золимнинг кўлида нолондир – Ватан.

Далалар ичинда пахта толамас,
Уни тераётган гўдак боламас,
Қир адирда ўсган гуллар, лоламас,
Жигарингдан окқан, бу қондир – Ватан.

Бузилди мезонлар, тошу-тарози,
Ҳаммада бор ташвиш, ҳамма норози,
Эшитмас додинги порахўр – қози,
Халқ адолат излаб, сарсондир, Ватан.

Ноинсоф золим шох, юртнинг Хонидир,
Унинг озукаси – халқнинг қонидир,
Шулар бу давринг «қахрамон»идир,
Асл фарзандларинг «душман»дир, Ватан.

Гўё, ҳумо қуши кўнди-ку бизга,
Чўлда сароб, сувдек кўринди кўзга,
Бугун тушунарли эмасми сизга?
То хануз бағрингда, пайқондир – Ватан.

МУСТАҚИЛЛИК



Бугун гўё булар омади чопган,
Асли ўз уруғин илдизин чопган,
Золимлар зулмидан юртдан қочган,
Қанчалар гурбатда, гирёндир, Ватан?!

Қани дўсту-ёринг, қардош-қадрдон,
Барчага душмансан, барчадан пинҳон,
Қанча фуқаролар, қанча мусулмон
Мустақил режимга қурбондир, Ватан!

Уйда фарзандлар оч, ота излар пул,
Кетарлар чет элга, аёллари тул,

Қизлари фоҳиша, ўғиллари қул,
Дунёда расвои жаҳондир, Ватан!

Жайхуннинг сувлари ювмас қирғоғин,
Шўр босди унумдор еру-тупроғинг,
Пешонанг шўр экан, қуриди боғинг,
Уммонинг бугун чанг, тўзондир, Ватан!

“Жаслик” билан бадном бўлдинг оламга,
Фахр эмас иснод керак одамга,
Қачонгача сабр этарсан бу ғамга,
Дилинг тўла афсус, армондир, Ватан!

Халқинг қашшоқ бўлиб, қуриб битди-ку,
Ўғлонинг турмада чириб битди-ку,
Эрк истаган мардлар ўлиб битди-ку,
Мустақил бўлганинг ёлғондир, Ватан!

Ота-боболарим дил берган сенга,
Улардан қолган хок, мероссан менга,
Лекин алишмасман мен сени динга,
Иймонимдан қадринг арзондир, Ватан!

Сени дардинг учун менда чора йўқ,
Қийналаман кўриб, нетай чора йўқ,
Сен каби жафоқаш жигар-пора йўқ,
Ахволинг ақлим хайрондир, Ватан!

М. Абутов

БУ ҲУКУМДОР КИМДИР ЎЗИ, БИЛАСИЗМИ, ЁХУД МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА КАРИМОВГА БАҒИШЛОВ



Бу ҳукмдор кўпчиликка озор қилди,
Одамларни хур фикрдан безор қилди,
Мамлакатни товуш чикмас мазор қилди.
Халқимизнинг ёвларига бозор қилди.

Бу ҳукмдор кимдир ўзи, биласизми?
Билиб туриб унга сажда қиласизми?
Ич куйса ҳам индамайин турасизми?
Меҳнат аҳлин парча нонга у зор қилди.

Тиз чўктириш халқни мақсад асос эди,
Тик тургандан олмоқ, асли, қасос эди.
Саф-саф бўлиб юрсин бари бесас, деди,
Мана шуни ул ўзига шиор қилди.

Бу ҳукмдор Андижоннинг қотили-ку!
Қотилларнинг ичида у ботили-ку!
Оғиз очиб ёлғон сўзлар шотири-ку!
Аҳли элни зўрға юрар дорбоз қилди.

Мулозимни “бер, бер” дея халқни талар,
Лайчалари чопқилашиб пойин ялар.
Авом халқнинг қулоғига танбур чалар,
Маразликнинг иллатлари парвоз қилди.

У “а” қилса, уни босди қизлари ҳам,
Анкиб турар сўзлаганда сўзлари ҳам.
Падаридек кизармайди юзлари ҳам,
“Мард” йигитни ул ўзига сарбоз қилди.

Мусулмонни ёмон кўрган ким бўлмоқда?
Зулмат тўла қамоқларда ким ўлмоқда?
“Аллоҳинг йўқ! Кўрсат!” дея ким
қулмоқда?
Бир тўдани ул ўзига жонбоз қилди.

Шул тўда-ки одам қонин ичар қониб,
Жирканмайди ёлғондан ҳам тилда тониб.
Ушбу шеърни ичи ёниб ёзар Толиб,
Шоирмасман, қофиялар саёз бўлди.

Толиб Ёқубов

АҲВОЛИМИЗ ТОМОШАБОПМИ, ЎРТОҚ КАРИМОВ?



Мен туғилган кўҳна воҳа
шуҳратин олам билар.
Хоразм фарзандиман мен
Хоразм фарзандиман...

Бу шу йил таниқли сураткаш Катри-
она Грей тарафидан Хивада суратга
олди.
Каримов Ўзбекистонда яшаётган эр
ва хотин ҳамда уларнинг фарзанди.
Аҳволимиз томошабопми ўртоқ
Каримов?

Шуҳрат Бобожон

АСАД КИМЁВИЙ ҚУРОЛ ИШЛАТДИ

Яхши биламизки Сурияда сўнги икки йилдан бери давом этаётган норозилик ҳаракати ҳозирда янада авж олмоқда. Бунга сабаб Асад ҳукуматининг ўз халқи диний ва миллий қадриятларини узок йиллардан бери топтаб келаётганидир. Ҳукумат армияси бу тич норозилик ҳаракатини вахшиёна бостиришга уринди. Лекин халқ “ё ҳаёт ё мамот” дея ўз йўлидан чекинмади.

Тарихга назар солсак, бундан 34 йил олдин ҳозирги президент Башар Асаднинг отаси Хофиз Асад ҳам Сурия мусулмонларининг норозилик ҳаракатини конли бостирган эди. 1982 йил Ҳамо шаҳрида мусулмонлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб намойишга чиққанди. Аммо Хофиз Асад бу норозилик ҳаракатини кимёвий ва оғир қуроллар воситасида шавфқатсизларча бостирди. Ўшанда 40 мингга яқин мусулмон ўлдирилди.


Халқимизда бир нақл бор, “отадан ўғил, моховдан — невар”. Куни кеча 21 августда пойтахт Дамашққа яқин Шарқий

Ғута минтақасида Хофиз Асаднинг ўғли Башшар Асад ҳам муҳолифларга халқаро конунларда манъ қилинган кимёвий қурол — заҳарли ЗАРИН газини ишлатди. Оқибатда 2500 дан ортиқ тинч аҳоли ўлди, буларнинг 1000 дан ортиғи норасидалардир.

Германияда ишлаб чиқилган ЗАРИН кимёвий қуроли махсус ўқлар воситасида отилади, у портлагач, инсоннинг асаб тизимига катта таъсир кўрсатиб инсонни фалж этади.

Инсониятга қарши бу жинояти билан Асад ва унинг дастакчилари гўёки муҳолифларга логистик ёрдам бераётган давлатларга ўзларининг ким эканини ва нималарга қодир эканини кўз-кўз қилган бўлди.

Аммо шу билан бир қаторда муҳолифлар ғалабаси яқиндир. Ҳозирда зolim Башшар пойтахт Дамашқда камал ичида қолган, у ўз тахтида қолиш учун ҳеч қандай ваҳшийликдан тап тортмаслигини билдирган.



Айрим сиёсий таҳлилчиларга кўра, ҳозирги кунда Сурия ҳукумати ўз қарорларини Эрон ва Россия ҳукуматлари кўрсатмалари бўйича олмоқда. Бунга сабаб Башшар армиясининг таназзулга юз тутгани, ҳозирда унинг ҳукуматини ҳимоя этиш учун Ҳизбуллоҳ ва Эрон Инқилоби муҳофизлари, Россия махсус хизмати кўшинлари ишга солинган. Асад, унинг дастакчилари ва қуролли югурдақларининг дини ва миллати бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг жинояти айнидир.

Нурбек Саломов

ОВОЗИ ЎЧИРИЛГАН ҲАЛҚНИНГ ОВОЗИ

ЯҚИНДА, ШУ ЙИЛНИНГ СЕНТЯБР ОЙИДА ТУРК ДУНЁСИНИНГ БУЮК ШОИРИ РАУФ ПАРФИ ЎЗТУРК 70 ЁШГА ТЎЛАДИ, ҚУЙИДАГИ МАТН УНИНГ ШАРАФИГА ЁЗИЛГАН.

Мухаммад Солих

Рауф Парфига Ўзбекистон ҳукумати халқ шоири унвони берганида, шоирнинг баъзи дўстлари бу воқеани яхши қабул қилмаган эдилар, шулар ичида камина ҳам бор эди.

Рауф Парфи бу унвонга лойиқ бўлмагани учун эмас, бу унвон Рауф Парфига лойиқ бўлмагани учун биз бу воқеани ижобий қабул қилмагандик.

Чунки Рауф Парфи каби умри давомида ҳур фикр куйчиси бўлган бир шахснинг ҳур фикрнинг ашаддий душмани бўлмиш бир сиёсий режимдан мукофот олиши табиат қонунларига зид эди.

Лекин яқинда ҳурматли шоирамиз Гулчехра Нуруллаеванинг «Озодлик» Радиосидан эшиттирилган Рауф Парфи билан суҳбати халқ шоири ким бўлиши керак, деган саволга ўзига хос бир жавоб бўлди.

Суҳбатда Рауф Парфи ўзининг бир журналдан ишдан кетишига ҳукуматнинг бир буюртмасини рад этганлиги сабаб бўлганини эътироф этди. Шоирга Ўзбекистон турмаларининг олтимишми, етмишми йиллик юбилейига чиқаётган бир китобни таҳрир қилишга беришган, у эса, бундай китобни таҳрир қилишга маънавий ҳаққим йўқ, дея қайтариб берган ва айни пайтда ишдан истеъфосини ҳам ёзган.

Ташқаридан қараганда нормал кўринадиган бу ҳаракат, бизнингча, бир шоирнинг, бир ватанпарварнинг Ўзбекистон каби бир мамлакатда бу-

гун содир қилиши мумкин бўлган максимум фидойилиқдир.

Бундай ҳаракат Русияда қаҳрамонлик саналмасди, бу ҳатто Қирғизистонда ҳам нормал қабул қилинган бўларди, аммо зиёлилари кўрқитилган, хўрланган ва ер билан бир қилинган Ўзбекистон учун Рауф Парфининг қилган бу ҳаракати мутлақо тақдирга шоёндр.

Бу Ўзбек зиёлисининг ҳали ҳам яшаётганидан бир мужда, демак, халқнинг халқ ўлароқ яшаётганидан бир мужда эди.

Энди Совет даврида «ШОИР ХАЛҚНИНГ ОВОЗИДИР» деган сафсата бугун ўз қийматини топиб, сафсата бўлишдан тўхтади, шекилли. Бугун шоир ҳақиқатан ҳам халқнинг овози, тўғрироғи, жим турган халқнинг овозидир.

Халқни жимликка маҳкум этганларида, унинг учун шоирлар гапира бошлайдилар. Улар кўп бўлмаслиги мумкин, бир нечта бўлиши мумкин, аммо хоҳлаймизми-йўқми, миллионларнинг овози бўлиш шарафи шу бир нечта дарвишга махсусдир.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасига аъзо шоирлар сони, балки, мингдан кўпдир, китоб чиқарганлар эса, ундан ҳам кўп, аммо ҳақиқий шоирлар беш ёки олтидир, ундан кўп эмас.

Доим шундай бўлган, яъни ҳақиқий шоир контингенти Алишер Навоий даврида қанча бўлса, бугун ҳам шунчадир. Улар 20-йилларда қанча бўлса, 70-йилларда ҳам шунча эди. Фақат 80-йилларнинг охирида бошланган Қайта Қуриш уларнинг со-

нини кескин кўпайтиргандай туюлди, лекин аслида, ундай эмасди.

Қайта Қуриш туғаб, зулмининг янги босқичи бошланганда, шоирлар сони кескин қисқарди, уларга кўшилган қаҳрамонлар яна аслига қайтишиб, маддоҳликларини тўхтаган жойидан давом эттириб кетавердилар, фарқи — илгари Брежнев ёки Рашидовни мақтаган бўлсалар, энди Каримовни мақтай бошлагандилар.

Ва боя айтилганидек, шоирлар яна шарафли озчиликка айландилар.

Бу ҳақиқатни англаш учун яқинда қамоқдаги ёзувчи Мамадали Маҳмуд ҳимояси учун Ўзбекистон раҳбарига ёзилган мактуб остидаги имзоларга қараш кифоядир: шоир Шукруллоҳ бошчилигидаги беш-олти дарвиш!

Оллоҳ рози бўлсин улардан.

Халқнинг шоирлари шулардир.

Зиндонларга мадҳияни таҳрир қилишдан бош тортган Устоз Рауф Парфи, ўша зиндонларда азоб чекаётган бир ҳамкасбини ҳимоя қилишдан чекинмаган оқсоқол Шукруллоҳ бошчилигидаги бир гуруҳ истеъдодли дўстларим — ҳаммаси халқнинг шоирларидирлар.

Фақат мажлис ва қурултойларда, тўй ва юбилейларда зolimга тасанно айтаётган халқнинг шоири эмас улар, қуллик ва истибодни «тинчлик» деб атаётган, Яратганнинг раҳматидан умид узиб, мустабиддан марҳамат кутаётган халқнинг шоири эмас улар. Улар эзилган, хўрланган, аммо йимонини кафтида бир парча чўғни асраган каби асраб келаётган бир халқнинг шоиридир улар.

Яшасин, ҳақиқий халқнинг ҳақиқий шоирлари.

(29.07.2000)

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий позициялар, маънавият, ижтимоий мақсадлар» мавзусида тадқиқот ўтказди, дея хабар беради Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги.

бугунги ёшлар билмайди. Аксариятининг фикрича, Ўзбекистон мустақил бўлишига гўёки шахсан И.Каримов сабабчи, улар шундай тушунишди. Халқнинг босиб ўтган йўли, мустақилликка эришиш йўлидаги курашлар, буларнинг барча-барчаси

у тадбиркорликни истайдими, тушунадими ёки йўқми бу муҳим эмас. Агар тадбиркорлик учун маблағи йўқ бўлса, у давлат банкларидан кредит олади ва йиллар давомида давлат учун ишлайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ёшларнинг ижтимоий кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, ёшларнинг маданият ва шоу-бизнесга йўналтирилиши, оврўпаликларга тақлид, миллий анъана ва қадриятларнинг поймол этилиши, булар — ёшлар сиёсатни тушунмасинлар, Каримов режимига қарши чиқмасинлар дея махсус уюштирилаётган ишлардир. Тўғрироғи, Каримов фақат ўз хавфсизлигини уйлайди.

Тошкент кўчаларида юрсангиз, атлас кўйлак кийган бирорта қиз кўринармикан, дея излайсиз. Йўқ, «Отасининг қизи» ўзбек қизларини ҳам оврўпача кийинтиришга эришди. Миллийлигимизни жаҳон миқёсига олиб чиқаман, дея уни ҳам эплай олмади.

Ўз мамлакатада нормал шароитда яшай олмаганлиги учун сарсон бўлиб юрган неча минглаган ўзбек ёшлари эса «Қачон диктатор режими қулатилар экан», дея кутиб яшашяпти.

Чарос

ЁШЛАР ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ ЭКАНЛИГИГА ИШОНМАЙДИ!

Лекин унда сўровнома қачон ўтказилгани, унда неча киши иштирок этгани тўғрисида маълумот йўқ. Сўровда қатнашганларнинг 72,4 фоизи тарихни яхши билиши маълум бўлган, деб ёзилади шунингдек мақолада.

«Ёшларнинг кўпчилиги (95,2 фоизи) ўзбек халқининг зехниятига ёт турли зарарли ғоялар ва уларни тарқатувчиларга салбий муносабат билдирмоқда».

Аслида эса ёшларнинг онги айни кунда тўғри таълимот билан эмас, балки Каримов режимига мос равишда шакллантириляпти. Буни барча соҳада кўриш мумкин. Дейлик, тарих ҳақида, тарихни тўлиғича, қандай бўлса ўшандайлигича ўргатилмайди.

Масалан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган йиллари, у йилларда бўлган воқеа-ҳодисаларни



Каримов сиёсати орқасида осонгина йўқолиб қолди.

ЎзА-нинг ёзишича, ўзбекистонлик ёшларнинг ҳар учтадан биттаси эса 2013 йилда ўз бизнесини йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Албатта, давлат ёшларни тадбиркорлик билан шуғулланишга мажбурляпти,

ЎЗИВНИНГ БАЙРАМОЛДИ ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАРИ

Шу кунларда Самарқанд ва вилоятнинг бошқа шаҳарлари кўчаларида, фуқароларнинг эшик-дарвозалари олдида 3-4 ИИБ ходими кийимидаги кишидан иборат гуруҳларнинг юришганлари ёки туришганлари кўзга тез-тез чалиниб қолди. Бу нима? деб қизиққанимизда билган кишилар бу ИИБ нинг мустақиллик байрами олдидадан ўтказаетган хонадонларда паспорт режимини текшириш профилактик тадбири бўлиб, бунда хонадонларда кимлар туриши, кимлар қайд (прописка) қилинганлиги ва ҳ.к. текшириладётганини айтишди.

УХХнинг Самарқанддаги мухбири.



КОЛЛЕЖГА КИРИШ ТАФСИЛОТЛАРИ

Мактабни тамомлаган фарзандингизнинг ташвишини қиласиз. Ҳозир нима кўп, коллежлар кўп, қадамингизда коллеж лекин унда ўқитиш учун маблағингиз етармикан?

Холам ёлғиз аёллар. Биттагина кизи бор, эри 9 йил олдин Россияга кетганча қайтмади, тирикми ўликми дарағи йўқ. Мардикорлик қилиб кун кўради.

Қизини Андижон шаҳар медколлежида ўқитишни ният қилганди, 500 доллар сўрашибди, унча пулни топа олмай воз кечди.

Кейин унда ҳам бўлмас экан, мажбур ўқитиш керак экан, агар ўқитмаса жавобгарликка тортилиши анча катта жарима тўлаши ҳақида огоҳлантиришибди. Қарз олиб ўқишга жойлади.

Бу йил 2-курсга ўтди. Ўқишга ками-кўстларини қилиш мақсадида шоли ўтагани ишга чиқиб юрди. Мазаси қочиб қолди, дўхтирлар буйрағида кучли шамоллаш деб касалхонада олиб қолди. Йиғиб қўйган пулларига даволяпти. Домлаларига пахтадан қолиш учун касаллиги



тўғрисида справка олиб борса, қабул қилмабди — мажбур экан пахта териш. Йўқса, 150 доллар тўлаш керак экан.

Бир қўшнимиз иш гаплашганди, болницада фаррошликка. 400 доллар сўрашди, пул топиб олиб боргунча бошқасини ишга олишибди.

Холамнинг боши қотган. Шунча машама нима учун, хайрон қоласан. Кошки шунча сарфлаб коллежда ўқитган фарзандингиз у ернинг дипломи билан ишлай олса. Ҳеч қаерда ишга олинмайди, пол артади холос. Олий малумотли эмас, деб қайтариб юборади. Оддий пол ювиш учун ҳам ишга кириш 400 доллар — у ҳам талаш.

Раъноҳон



“ОҒЗИНГНИ ЁП!”

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) хабарига кўра Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази аҳоли ўртасида сўровнома ўтказди. Хабарда «Ижтимоий фикр»нинг ушбу сўровномасида мамлакатнинг «барча худудларидан, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари» иштирок этгани қайд этилган. Лекин айнан қанча киши иштирок этгани тўғрисида маълумот берилмаган. Албатта маълумот берилмайди, чун-

ки аҳолининг 50%и бу сўровга манфий жавоб бериши аниқ.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) га кўра, бу йилги сўровнома «шуни кўрсатдибди-ки, респондентларнинг кўпчилиги (90 фоиздан кўпроғи) Ўзбекистон фуқароси эканлигидан фахрланар»экан.

Сўровнома номига ўтказилгани ҳаммага маълум.

Агар чиндан ҳам яширин сўровнома ўтказилганда Ўзбекистонда яшаш нақадар қийин эканлиги, зулм ва қийнок, порахўрлик авж олгани маълум бўлар эди. Бундай сўровнома ўтказишга албатта «Отаси»дан кўркишади.

«Ота»нинг кучуклари зотан ҳаммаёқда исканиб юришибди.

Уларга ялтоқланган баъзи кимсалар эса ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, мени тишлаб олмасин деб хамсоясини сотиб ҳам туришади.

Ўзбекистон аҳолиси бир овоздан (99,1 фоиз) мамлакат Президенти Ислом Каримовни «Ўзбекистондаги барқарорлик ва мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг кафили» деб ҳисоблайди, деб ёзади ЎЗА.

Биз бу фикрларни билиш учун Ўзбекистон билан боғландик, лекин ҳеч қандай ижобий жавоб ололмадик.

Андижонда яшовчи Сафура, (ёшлардан вакил) «Ўзбекистонни севамиз, лекин бизда яшаш оғир», дейди.

Сабаби, фикримизни очик айтмаймиз, бир нарсани билсанг ҳам “оғзингни ёп!”.

Хамма ишимиз давлат назоратида, хатто бирор жойга чиқмоқчи бўлсак давлат органлари томонидан рухсат билан чиқамиз, дейди.

Бу худди жиноятчи одамнинг назорат қилинишига ўхшайди.

Айни савол билан кўшни Қирғизистонлик ёшларга мурожаат қилдик, ўзбек ёшларидан вакил Дилдора: «Қирғизистонда яшаш осон, давлат томонидан таъқиб йўқ, миллатчи қирғизларни ҳисобга олмаганда. Агар улар ҳам бўлмаганда эди, биз бемалол яшаган бўлар эдик», дейди.

Қирғизистон ва Ўзбекистонни таққосласак, Қирғизистонда нисбий бўлса ҳам эркинлик борлигини унинг муҳолифатининг мамлакат ичкарисида эканлигидан ҳам билса бўлади.

Чарос

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИДА ИШЛАШГА МАЖБУР ВА БИР КУНЛИК ИШ ҲАҚЛАРИДАН МАҲРУМ ЭТИЛМОҚДА

Ҳар галгидек Ўзбекистонда мустақиллик арафасидан олдин яна ҳашар. Ўзбекистонда 24-25 август кунларида Умумхалқ Ҳашар куни деб эълон қилинди, дея хабар беради “Фарғона” халқаро ахборот агентлиги (<http://uzbek.fergananews.com/news.php?id=9639>).

Ҳашарда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, барча турдаги корхона-ташқилотлар, маҳалла кўмитаси, ўқув ва бошқа турдаги муссаалар мустақиллик олдидан шаҳар кўчаларини, болалар майдончала-

рини, ариқларни, аҳоли яшайдиган барча жойларни тозалаш ҳақида буйруқ олган. Куннинг иссиқлигига қарамасдан Шаҳар ҳокимлиги кўчаларга, ташландик ерларга мевали ва бошқа турдаги манзарали кўчатларни экишга буйруқ берган.

Бу ҳам етмагандек, барча корхона, ташқилот ва ўқув муассаса ходимларидан Ўзбекистонда кам таъминланган фуқароларнинг оилалари ва қаровсиз қарияларга ёрдам кўрсатиш, спорт ва болалар майдончаларини ободонлаштириш учун, хо-

димларнинг бир кунлик иш ҳақларини тўлиғича Махалла жамғармасига ўтказиш буюрилган.

Табиийки бундай қарордан кўпчилик норози, “Мен дам олиш кунимда ўқув йилидан олдин болаларимни ва оиламни қишлоққа қариндошимни олиб бормоқчи эдим, афсуски чучварани хом санаган эканман. Энди дам олиш кунимда кўча супиришга мажбурман”, дейди ҳокимлик ходимларидан бири.

ЎХХ хабар маркази

Ёруғ олам ичра хамон,
Қаро кунлар сурар даврон.
Ҳеч адолат топмай бирон,
Ҳақ сўзлаган инсон йиғлар.

Нокасларга қолди замон,
Харомхўрлик ошган чунон.
Диндан қолмай ному нишон,
Ул Хадису-Қуръон йиғлар.

Баланд тоғу-тош безабон,
Хамма олам тамом хайрон.
Эй хаддидан ошган инсон,
Килмишингдан осмон йиғлар.

Қиёмат ҳақ ҳақдир фармон,
Тангрига бу ишлар осон.
Еру-қукни тутса ларзон,
Дахшатидан жаҳон йиғлар.

Оёқларда қолмай дармон,
Борса хамма махшар томон.
Ул кун Росуллоҳ(с.а.в)гирён,
Воҳ Умматим дебон йиғлар.

ИНСОН ЙИҒЛАР

Ул кун Тангри ёлғиз султон,
Ҳақ бирла ўрнатса мезон.
Солих банда бўлар шодон,
Лекин динсиз инсон йиғлар.

Қалби эгри сўзи ёлгон,
Ғоҳ кофиру ғоҳ мусулмон.
Ўзин алдар ул бе-гумон,
Эрта ўшал нодон йиғлар.

Билки Роббинг Қодир-Рохмон,
Ато этди танангда жон.
Тирикликда келтир иймон,
Шош ғанимат имкон йиғлар.

Бу ғафлатин битгай қочон,
Ахли Ислом энди уйғон,
Ғаним санга бўлиб сорбон,
Бу адашган қорвон йиғлар.

Тарихингдан яхши аён,
Ўз динингда эдинг равон.

Нега бугун бўлдинг пинҳон,
Қалбим тўла армон йиғлар.

Бир замонлар номи дoston,
Ҳақ динингда эдинг қалқон.
Халифалик бўлиб яқсон,
Динсиз қолган макон йиғлар.

Дин бирла олам чарағон,
Пок динингни ёйғил харён.
Дунё ахлин тутиб тугён,
Муслим дили хуфтон йиғлар.

Йўлинг Аллоҳ қилди баён,
Тойма йўлдан бўлгин омон.
Қилгил тақво етмас зиён,
Нусрат сўраб ўғлон йиғлар.

Бизга нусрат бергил яздон,
Ожиз қулинг санга қурбон.
Биз бирлашсак ул бағри қон,
Лаънатланган шайтон йиғлар.

Абу Мухаммад Ўзбекистон

ҚИЗИМ ЁДИМГА ТУШДИ...



Эрдоғанни йиғлатган мактуб:

“Суюкли қизим ва кадрдон муаллимим!

Сенга алвидо демаяпман, аксинча эртага кўришгунча, дейман. Бошинг тик, зулмга исён қилиб яшадинг. Бутун тўсиқларни рад этиб, хурриятга чексиз ошиқ бўлдинг.

Бу уммат, башариятда ҳақ этган ерини олабилсин, дея уни қайтадан тирилтирмоқ ва иншо этмоқ учун сассизча янги уфқлар изламоқдайдинг.

Сен тенгдошларинг қилган ишлари билан шуғулланмадинг. Ҳар доим дарсларингда биринчи бўлсанг ҳам, ўрганишга бўлган ташналигинг битмади. Бу қисқа ҳаётда сенинг суҳбатингга тўяолмадим. Вақтим бахтли бўлиш ва ўйнаб кулиш учунетарли эмас эди. «Рабиатул Адавийя» майдонида охири марта кўришганимизда “сен биз билан бирга бўлсанг ҳам биздан айрисан” деб ситамингни ифода этгандинг. Мен бўлсам сенга “бу ҳаёт бир-биримизга тўядиган қадар узун эмас. Ота-бола, бир-биримизга тўйлик, деб жаннатда бизга бир суҳбат имконини берсин, деб Оллоҳдан сўраб қоламан”, дегандим.

Сен шаҳид бўлишингдан икки кун аввал сени тушимда келинлик либосида кўрдим.

Сен бу дунёда қиёси йўқ бир гўзалликда эдинг.

Ёнимга сассиз ўтирганингда сендан “бу окшом сенинг тўйингми?” деб сўрадим.

Сен эса “тўйим окшом вақтида эмас, тушилик вақтида бўлади?” дегандинг.

Чоршанба куни тушлик вақти шаҳид бўлганлигинг хабари менга етиб келга-

нида, сени тушимда менга нима демокчи бўлганлигингни тушуниб етгандим.

Оллоҳдан сени шаҳид бўлиб қабул этиши учун ёлвордим.

Сенинг шаҳодатинг бизни ҳақлигимизни ва душманларимизнинг эса муртаднинг ўзи эканлигига ишончимизни мустаҳкамлади. Сўнги видолашишда ёнингда бўлолмаслигим, сўнг бор кўролмаслигим, пешонангдан сўнг бир бор ўпаолмаслигим ва сени жаноза номозингни ўқитаолиш шарафига муясар бўлолмаслигим мени чуқуқ яралади.

Мени буларни бажо келтиришдан манъ этган ўлим ёки қоронғи зиндонлар кўркуви эмас, йўлида жонингни фидо қилганинг даъвои давом эттирабилмак учун кураш эди.

Золимларга қарши бошинг тик келаркан, баттор ўқлар кўксинга санчилди ва руҳинг кўкларга кўтарилди.

Нақадар гўзал тарбия қилинган нафасинг бор эди. Ишонаман, сен Оллоҳга берган сўзинга садоқатли қолдинг.

Оллоҳ ҳам сенга берган сўзига. Шунинг учундирки, шаҳодат шарбатини бизга эмас, сенга бахшида этти.

Сўнги сўзим,

суюкли қизим ва муаллимим!

Сенга алвидо демаяпман, аксинча кўришгунча яхши кол, деяпман!.

Учрашувимиз — Пайгамбар ва саҳобалари билан бирликда — Ҳавзи Кавсарда бўлажак.

Сўнгсиз қувват ва ҳукмронлик соҳиби Оллоҳга яқин, Унинг назари тушган бир маконда. Ҳеч қачон айрилмас бир шаклда, ниятимизнинг рўёбга ошганидаги бир учрашув.»

Туркия Жумҳурияти Бош вазири Р.Т.Тоййиб Эрдоған “Ўлка ТВ”даги жонли эфирда кўзёшларини тутаолмади.

Жонли эфирда Мисрлик «Иҳвон» лидери Ал Билтажининг шаҳид бўлган қизи Асмонинг орқасидан ёзган мактуби ўқилганда, Эрдоған қаттиқ таъсирланди.

Мактубни кўз ёшлари билан тинглаган Эрдоған, бунчалик таъсирланишига сабаб ўз фарзандларини эслагани эканини айтди.

Бу мактубни тинглаганимда, қизим ақлимга келди.

Қизим ҳам бир кун кечқурун эшигимизга ёзув осанди. «Ҳеч бўлмаса бир кечангни бизга ажрат» деган ёзув эди у.

У пайтлар даъвомиз (ғоямиз) учун югуриб-елаётган эдик. Фарзандларимга вақт ажратолмагандим.

Асмога ёзилган бу мактубда ўз болаларимни кўрдим...

Мен шу онда бош вазир эмасман. Бир ватандошман. Умид қиламанки Асмонинг қисмати бизларга дарс бўлар.

Худойим бирлик-баробарлигимизни доимий қилсин. Орамизга нифоқ солувчиларга Оллоҳим йўл қўямасин.

ОГОХ БЎЛИНГ, АЁЛЛАР!

Британияда чоп этиладиган “The Sunday Times” газетасида чиққан мақола сарлавҳаси “Ўзбекистонда аёллар алдаб бичилмоқда” деб аталади. Газета муҳбири Марк Франкетти олиб борган тадқиқот ўзбекистонда яшовчи бир неча аёлларнинг кўрсатмалари асосида ёзилган. Муаллиф Ўзбекистонлик дехқоннинг рафиқаси 28ёшдаги Гулбахор Завидованинг мисолини келтиради. У бир неча ой бола кўришга уриниши ортидан касалхонага мурожаат қилганида шифокорлар унга бичилганини айтишган. Гулбахор журналистга шифокорлар ундан розилигини сўрамай бичишгани ва энди ҳеч қачон фарзанд кўра олмаслигини билган эри уни ташлаб кетганини айтган. “Ҳар куни йиғлайман, нималар қилиб қўйишганини билганимдан кейин дахшатга тушдим. Бундай жирканч нарсани нимага мендан сўрамай қилишди?”- дейди Гулбахор.

Инсон ҳуқуқлари гуруҳлари Гулбахор каби минглаб аёллар розилиги сўралмасдан стерилизация қилинганини ва бу чорани амалга оширишни шахсан И.Каримов буйруқ берганини айтишади.

Бу мамлакатда қийноқ



қўлланилиши нормал ҳолат саналади. «Менга ҳам квота берилганди. Ойига тўрт аёлни стерилизация қилишим керак эди», дейди у. Яна тиббиёт соҳасида ишлайдиган бошқа икки манбага кўра, Ўзбекистоннинг қишлоқ минтақаларида вазият жуда абгор. Шифокорлар босим остида қолишган. Бир гинеколог ойида саккиз нафаргача хотин-қизни бепушт қилиши керак.

Яна бир айнан шундай бичилган аёллардан бири: “операциядан сўнг мени бичишганини айтишди. Тўхтамай йиғладим. Улар мени алдашди, менга ҳайвондек муносабат қилишди” дейди.

Каримов режими одамларни ҳайвонлардек қилиб қўйди. Уларнинг ўз

ҳуқуқлари кундан кун баттарроқ поймол этила бошланди. Каримов халқи устида нимани хоҳласа ўшани бемалол қиляпти, одамлар билан эса хисоблашмайди!

Стерилизация ҳақида билишгандан кейин аёллар кўрқиб уйда туғиш ҳолатлари кўпайди, бу эса ўз навбатида яна бир қатор касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Яна бир аёл, 26ёшли Хидоят Мўминова эса стерилизация қилингандан кейин унинг тухум йўлларида ўсимта пайдо бўлган.

“Улар мени зудлик билан жарроҳлик амалиётига рози бўлишим учун кўрқитишди. Мен хайрон бўлдим, чунки ҳеч қандай оғриқ ва шикоятим йўқ эди. Операциядан кейин мени бичишганини айтишди. Тўхтамай йиғладим, улар мени алдашди,”- дейди у.

Мақолада айтилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қийноқлар бўйича махсус маърузачиси уч йил аввал Ўзбекистонда аёлларнинг мажбуран бичилиши “кенг тарқалган”ини хабар қилган. БМТга кўра, Ўзбекистонда туғиш даражаси Каримов президет бўлгандан кейин кескин тушиб кетган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Совет Иттифоқи даврида хар она-га 4.4 фарзанд тўғри келса, Каримов президентликни қўлга киритиши ортидан бу кўрсаткич 2,5га тушган.

Ўзбекларда кўп болали оиллага эга бўлиш маданият ва анъананинг ажралмас қисмидир.

Катта оила ҳам обрў ва ҳам муваффақият рамзи саналади. Каримовнинг режалари эса ўзбек миллий қадриятларини кескин поймол этмоқда.

Махфий стерилизация дастури

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги манбага кўра, бу махфий стерилизация дастуридан мақсад Ўзбекистон аҳоли ўсиш даражасини назорат остига олишдир.

«Хар йили бизга бир режа беришади. Хар бир шифокорга қанча аёл ҳомиладорликдан сақлайдиган воситалар билан таъминланиши кераклиги ва яна қанчаси бичилиши шартлиги айтилади», дейди Тошкентдаги гинекологлардан бири.

Аҳоли сонини назорат қилиш

2010 йилда Эксперт Ишчи Гуруҳи етти ой мобайнида тиббиёт профес-

ОГОХ БЎЛИНГ АЁЛЛАР!

сионаллари ўртасида сўров ўтказган ва ўшанда 80000 стерилизация ҳолатининг далилини қўлга киритган.

Стерилизация ҳақидаги илк маълумотлар 2005 йилда пайдо бўлган, ўшанда Гулбаҳор Тўраева ўзи ишлайдиган Андижон шаҳри шифохонасининг ўликхонасига ёш, соғлом аёлнинг бачадони келтирилганини қайд этган.

200 аёлнинг ўз бачадонидан айрилганининг далил-исботини қўлга киритган Гулбаҳор Тўраева раҳбарларидан изоҳ талаб қилади. Аксинча, унинг ўзини ишдан ҳайдаб юборадилар.

2007 йилда Тўраева хоним мамлакатга муҳолифат адабиётини контрабанда йўли билан олиб киришда айбланиб маҳкамага тортилади. Бошқа кўплаб инсонлар сингари Гулбаҳор Тўраева ҳам аёлларни бичиш ҳолатлари ҳақида интервью беришдан бош тортиди, у ўзининг ва фарзандларининг келажагидан қўрқшини айтди.

2007 йилда БМТнинг Қийноқларга қарши кўмитаси ҳам Ўзбекистонда аёлларнинг ўз ихтиёрларига қарши стерилизация қилинганлари ва бачадонлари боғлаб қўйилганлари ҳақида хабар қилган ва шундан сўнг

мамлакатдаги мажбурий стерилизациялар сони камайгандек кўринган.

И.Каримов эса уялмасдан 2012 йилни Ўзбекистонда «Мустақкам оила йили» деб эълон қилган.

«Ўзбекистон учун фақат рақаму-халқаро ўринлар муҳимга ўхшади. Менинг фикримча эса, бу ҳақиқатга эмас, қандайдир ҳисоботга таянишга муҳтож диктатуралар учун типик ҳолат», дейди Human Rights Watch вакили Стив Свездлоу.

«Фарб билан муносабатларида Каримов шунга эришдики, инсон ҳуқуқларини топтагани учун ҳеч қандай жазо чораси кўрилмайди. Гап инсон ҳақларига бориб тақалса, сукунат чўқади. Мажбурий стерилизация ҳақидаги хабарлар бу сукунатни бузишга даъват қилади».

Каримов эса яқин йиллардан буён давлатни ўзи ушлаб қолиш ниятида қийноқларни янада кучайтирди, бошқа инсонлар ҳаётдан эса шунчаки ўз мақсадлари учун қурол сифатида фойдалана бошлади. Узининг буюк орзуси, яъни қизи Гулнорани ўз ўрнига президент қилиш йўлида зўр бериб ҳаракат қиларди. Содда халқ эса унинг найрагларини остида кўғирчоққа айланган.

Чарос

МИЛЛАТ ҒУРУРИМИ ЁКИ ҚЎРҚУВ ?

Ҳақиқий ўтмиш тарихимизга бир назар ташлайдиган бўлсак хурматли ўқувчи қанчадан қанча жасур ва мард ота-боболаримиз фаровон ҳаёт учун халқ ва ҳақ йўлида жонларини фидо этганлар. Бугунги кунда халқимиз ҳақиқий ўтмиш тарихимиз тўғрисида тули маълумотларни умуман билишмайди ва билганида ҳам етарли даражада эмас, сабаби И.Каримовнинг бугунги кундаги диктатура сиёсий ва иқтисодий режимига қарши ва яна бир сабаби биз фуқароларни қорини ғамидан бош кутармаслигимиз учун ҳам шундай йўлдамиз.

Гарчи шундай бўлса ҳам бу режим барчанинг бирдек жонига теккан. Аммо баъзи оддий кимсалар бу режимдан манфаатдор бўлмасалар ҳам И.Каримов диктатура режимининг қўллаб-қувватловчи тарафдорлари ҳам орамизда талайгина топилади. Кўпгина фуқаролар билан сиёсат ва иқтисод тўғрисида ҳамсухбат бўлган чоғимда шундай воқеага гувоҳ бўламан яъни уч тўрага бўлинган одамлар.

Биринчиси дунёни сув босганда ўрдакга не ғам деганларидек қўл силтаб ўз хузур-халоватини уйлайдиган боқий беғамлар.

Иккинчиси бугунги кундаги ижтимоий ҳаётимиздаги диктатура режими қандай салбий оқибатларга олиб келаётганлигини кўра била туриб қўрқув ичра яшаётган одамлардир.

Учинчиси бугунги 22 йиллик диктатура режимини онгсиз равишда қўллаб-қувватловчи баъзи фосик кимсалардир. Хозирги вақтда чет элларда мардикорлик қилиб келаётган 60-70 фоиз ўзбек фуқаролари яъни кўпроқ ёшларимизни ташкил этмоқдалар.

Хўш ана энди виждонан бир ўйлаб кўринг? Ахир шунча мардикорлар, ўзбек мардикорлари ватанимиздаги ишсизлик, оилаларимиздаги иқтисодий танглик сабаб асосан Россияга ва Қозоғистонга ўйнаб келиш учун бормаётган бўлсалар керак хойна-хой, яна баъзилар хонадон остоналаридан соғ-саломат ва тирик ҳолда кетишиб майиб-мажруҳ ва ўлиб қайтмоқда.

Менимча ўзбек оилаларида чет элда мардикор бўлиб ишламаганлар камдан кам бўлсалар керак, борлари ҳам коррупциялашган давлат идораларида пора эвазига даромад топаётган оила боқувчиларидир. Хўш, биз қачон бундай яъни И.Каримов сиёсий ва иқтисодий режимида барҳам берамиз ва ёки ҳаммаси ўз-ўзидан бўлишини қачонгача кутиб яшаймиз?

Ахир биздан кейинги авлодларимизга қандай из қолдирамиз? Нахотки мусулмон Ўзбек халқлари Миср халқлари ва бошқа халқлар каби ижтимоий ҳаётда ўз эркимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз ва адолат учун курашмасак. Гоҳида шундай узок ўйлаб қоламан, асрлар давомида дунёни хар томонлама лол қолдирган бу миллат бир асрдан кўпроқ муддат аввалига чор Россияси ва сўнгра дахрий коммунистлар, бугун эса бир диктатура режимига кул бўлсак?

Узоқ тарихга эга бўлган бу миллатимизнинг пойдевори ва кўзгуси бўлган биз ёшларни ўзининг диктатура режими билан мана шундай ахволга солган диктатор И.Каримов 19-июн куни Жиззах вилоятига сафари чоғида ОАВ орқали ўзбек мардикорларини дангасалар дея атаганининг яна бир сабабларидан бири шундай.



Ҳа эҳтимол ҳақиқатдан ҳам ўзбек фуқаролари дангасалар, чунки Россия ва Қозоғистонда кул каби ватанимиздан, оилаларимиздан йироқда оғир меҳнатнинг уддасидан чикамизу лекин ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни, адолат барқарор топиши учун уддасидан чика олмаймиз.

Ахир ота-боболаримиз айтганидек бирлашган ўзади, бирлашмаган тўзади.

Хурматли ўқувчи, агар бу сўзларим кимларгадир оғир ботган бўлса узр, аммо бугунги кундаги ижтимоий ҳаётимизда муҳим ва катта рўл ўйнаётган ўта салбий сиёсий ва иқтисодий режим бундан ҳам оғир эмасми? Хозирги вақтда миллатимиз диний эътиқоди, эрки, шаъни, ор-номуси учун курашган қанчадан қанча биродарларимиз диктатор И.Каримов зиндонларида азобу уқубатларда қолмоқда-ку, ноҳақ ҳақ деб билмайлик.

Бизларга тўғри йўлни яъни халқ ва ҳақ учун курашга бел боғлаган ЎХХ ва Эрк демократик партияси атрофида бир жону, бир тан бўлиб, миллатимиз шон-шухрати учун ғайрат қилайлик!

Одноклассники.ру дан

“МЕНИНГ ПАНТУРКЧИ”ЛИГИМ ВА “ШАРИАТЧИ”ЛИГИМ

(Матнининг асли Туркия жамоатчилигига қарата Туркия туркча-сида ёзилган эди)

Совет даврида ўзбек коммунистлари каминани «миллиятчилик» ва «пантуркист»ликда айблагандилар “Солиҳ Ўзбекистонни Рус Оғамиздан ажратиб, жарга олиб бораяпти!”, дея ваҳима қиларди бир коммунист раҳбар. Бу коммунист бугун Ўзбекистоннинг Президенти.

Яъни, аввал бу одам Ўзбекистон мустақиллигининг очиқча душмани эди, бугун Ўзбекистоннинг «миллий қахрамони» эмиш.

Авваллари бу зот бизни «пантуркист» деган бўлса, бугун «динчи, шариатчи» деб айбламोқда.

Чунки замон ўзгарди.

Чунки бугун ўзлари «пантуркист» бўлдилар («Туркистон умум уйимиз»), бизга «шариатчилик»ни беришди.

Чунк шариатчи бўлиш бугун хавфли. Аммо пайт келади, «шариатчилик»ни ҳам ўзлари оладилар, сиёсий конъюнктура ўзгариб, шариатчи бўлиш престижли бўлса, бас.

Ўзбекистон Президенти бир неча йилдири, менга қарши ҳақорат ва айбловларини Туркия матбуотида ҳам сиздира бошлади.

Шу кунга қадар бу айбловларга қарши турк матбуотида ўзимни ҳимоя қилмадим, бу ёзув ҳам ҳимоя матни эмас. Ўзбекистон Президентининг кимлигини у минтақани таниган киши яхши билади. Аксинча, Туркияга бир оз ўзимни таништиришим керакка ўхшайди, деб ўйладим.

Ҳа, мен — туркистонликман. Туркистоннинг маъноси «турклар яшаган ўлка» демақдир.

Руслар бу ўлкани ишғол этгандан сўнгра унинг отини ҳам ўзгартирдилар, уни беш парчага айириб, беш исм бердилар. Бу кунги Урта Осиё жумҳуриятлари ўша руслар берган исмлар билан аталмоқда. Булардан бири Ўзбекистондир, мен ўша бўлганданман.

Яъни бугунги ибора ила айтсак, бир ўзбек туркиман.

Турклигиндан ҳеч қачон уялмаган бир турк.

Турклигига ҳамиша шукр этган турк.

Айни пайтда, ҳеч қачон Турклигиндан ғурурланмаган бир турк.

Сизга бу уч туйғудан, УЯТ, ШУКР ва ҒУРУР деркан, нимани назарда тутганимни тушунтираман аввал.

Фарбий Туркистон халқи 135 йил рус асоратида қолди. Бу 135 йилнинг 30 йили гоҳ оловланиб, гоҳ сўниб турган мустақиллик учун жанглар билан кечди.

Исёнлар, кўзғолонлар доим қонли равишда бостирилди. Фақат руслар бу давр ичида бир сония ҳам осойишта ухламай олмади.

Туркистонликлар 135 йил интенсив бичимда маданий ва этник ассимиляцияга тобе тутилдилар, манқуртлаштирилмоқ исталди, рус тилини билмаганлар яхшироқ ишга кириш ҳаққидан маҳрум қилинди. Русчани дуруст билган ўзбек — ақлли, талаффуз билан гаплашгани — қолоқ, ўзбекча гаплашгани эса жоҳил саналди.

Фақат Туркистон турклари на она тили туркчадан, на урф-одатларидан ва на қадим маданиятларидан воз кечдилар. Бир ҳовуч манқуртни истисно қилганда, қолоқ десалар ҳам, жоҳил десалар ҳам русчада талаффуз билан гаплашмоқдан, тўғрироғи, ўзининг турклигидан асло уялмади бу қайсар қавм.

Камина ўша қавмдан келганман, юқорида «уялмаслик» деганда ҳам ўша уялмасликни назарда тутгандим. Бизни уялтирмаган Оллоҳга шукрлар бўлсин!

Бу шукр туйғуси, миллатимнинг яқин икки минг йиллик тарихига қараганимда янада ортади.

Бу тарих саҳифаларида «Биз аҳмоқ туркларни гўзал сўзлар билан алдадик!», дея ёзишлари мумкин. «Туркларни бир-бирига қайрадик!», «Туркларни елкасидан ханжар урдик!» деб ҳам ёзишлари мумкин, лекин ҳеч бир муаррих «Турклар бизни сотди», «Турклар мунофиқ», «Турклар сўзини тутмади», «Турклар иймонсиз қабила», дея ёза олмаганлар.

Мени шу шарафли қавмга мансуб яратгани учун Оллоҳга шукр этаман.

Юқорида «шукр туйғуси» деганимда буни назарда тутгандим.

“Ғурур”га келсак, мен туркликдан ғурур туймайман, ғурурлана олмайман, чунки турклик, турк бўлиб туғилмоқ — менинг хизматим эмас. Мени ҳам, қолган туркларни ҳам яратган Оллоҳу таолодир. Унинг яратгани бир махлуқ билан ғурурланмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир.

Агар бир рус ёки хитойлик, бир англосакс ва ёки бир ҳабаш ўз ирқи билан ғурурлансалар, бу уларнинг иши. Уларга қарши менинг қуролим уларники каби ғурур эмас, балки яна ўша Турк тилим бўлажақдир, бундан ортиғини уларга раво кўрмайман.

Менинг наздимдаги “туркчилик”нинг ҳудуди, чегараси бу. Менинг олган тарбиям будир.

Ҳа, турклар бегоналарга нисбатан доим очик кўнгилли ёндоша билган, ўзидан бўлмаганни хўр кўрмаган. Уйига келган меҳмон ол-

дига бор-йўғини қўя олган нодир, камёб миллатлардан биридир. Аммо мен бундан ғурурланмайман, бунга шукр этаман холос.

Мен ўз нафсини танишга ҳаракат қилаётган, аммо ҳозирча таний олмаган бир одамман. Бу айтганларимни ўзини танишга уринган ҳар ким англайди.

Агар ўз нафсимизни танисак, бу бизни мўъжизалар асри бўлажак 21-аср бўсағасида тураркан, унинг технологик жозибасига асир тушмоқдан қутқариши мумкин.

Айни пайтда, бу ирқчиликка тойиб кетмасдан, миллий қадриятларимизни сақлашга, мутаассиблик қилмай туриб, диний муқаддасотимизни асрашга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Айтмоқчи бўлганим, инсоният 21-асрни юксак технология асридан кўпроқ «Юксак аҳлоқ асри»га айлантириш нияти билан бу аср бўсағасига келса, яхши бир бошланғич бўларди. Айтмоқчи бўлганим, сиёсатнинг тамалида ҳам аввал аҳлоқ, ҳар нарсадан аввал аҳлоқ бўлмоғи керак.

Давримизнинг сиёсатчилари ўз мағлубиятлари сабабларини ҳар нарсадан ахтариши мумкин, аммо ҳеч қачон аҳлоқсизликдан ахтармайдилар. Чунки аҳлоқсизликни сиёсий ҳаётга зарар берадиган бир нарса ўлароқ кўрмайдилар, уни сиёсатда нормал ҳодиса сифатида баҳолайдилар.

Бу қараш, афсуски, Ғарб каби, Шарқда ҳам, секуляр давлатлар каби, теократик режимлар сиёсатида ҳам қабул қилинган нарсадир.

Аслида, бироз чуқурроқ ўйласак, давлатларнинг инқирози ва жамиятларнинг чўкишига асос сабабнинг УМУМИЙ АҲЛОҚСИЗЛИК бўлганини кўрамиз.

Муайян бир давлатнинг инқирози ёки йўқ бўлиши сабабларини тарихчилар ва ижтимоиятчилар, қанчалик «ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий таъсирлар» ўлароқ санасалар ҳам, бу таъсирнинг илдизлари ТОТАЛ АҲЛОҚСИЗЛИКка бориб тақалганини кўрмайдилар ёки кўришни истамайдилар.

Давлатларни кемириб йўқ қилган, уларнинг шафқатсиз кушандаси бўлган «зулм», «адолатсизлик», «коррупция ва порахўрлик» — ҳаммаси АҲЛОҚСИЗЛИКдан келиб чиққан оқибатлардир.

Римни вайрон этган Нерондан тортиб, бугун Урта Осиёни сафолат ва фуқаролар урушига судраётган коммунист диктаторларга қадар — ҳаммаси АҲЛОҚСИЗЛИКнинг зурёдларидир.

(Давоми кейинги саҳифада)

“МЕНИНГ ПАНТУРКЧИ”ЛИГИМ ВА “ШАРИАТЧИ”ЛИГИМ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бунинг тескарисига, тарихда туркларнинг идорасидаги давлатларнинг дунёга рафоҳ ва тинчлик таратган даврларга боқиб, бу давлатларда сиёсий авторитет ва унинг бошқаргани жамиятнинг юксак ахлоқий мезонларга мутаассибларча амал қилганликларини кўрамиз.

Бу ўрнаклар, бу тарихий дарслар кўзимизнинг олдида турар экан, бизнинг сиёсий система ва давлат моделлари чорраҳасида гарансиб, саросимага тушиб туришимизнинг ўзи ғалати.

Албатта, биз қуришни орзу этганимиз Давлат бир ҳуқуқ давлати, бир демократик давлатдир. Аммо унинг тамалига ахлоқий қадриятларни қўймас эканмиз, демократия — анархияга, ҳуқуқ — сафсатага айланиши ҳеч гап эмас.

Бугун Турк дунёси тоза ахлоқ соҳиби бўлган сиёсатчиларга ва ахлоқли сиёсатга жуда, жуда ҳам муҳтождир.

Бу эҳтиёжни қондирмоқ моддий ва иқтисодий эҳтиёжларга чора топмоқдан ҳам муҳимроқдир. Бу эҳтиёж қондирилсагина «турк дунёси бирлиги» каби тушунчаларни жиддий шаклда тортишмоқ мумкин. Йўқса, ўз қавмига зулм қилиб турган «ўзбекбоши» ёки «туркманбоши» чиқиб «марҳамат қилингизлар, Туркистон бутун туркларнинг уйи!» деса, бунга ҳеч ким инонмайди. Ёки исми порахўрлик ва коррупцияга бўлганган бошқа бир лидер чиқиб, «Адриатик денгизидан Чин садди (Хитой девори)га қадар Турк дунёси бор!» дея ҳайқирса ҳам бировга таъсир этмас.

Турк дунёси интеграцияси тўғрисида бугунгача қилинган гап, отилган нутқлардан бир нарса чиққани йўқ. Аксинча, лидеримизнинг «водка» ютумлаб сарф этган лоллари ва Туркияга келиб Турк халқларининг Қурултойида анъанавий «босқондаги темирга болға уриш маросимлари» ТУРКЛАР БИРЛИГИ каби кутлуғ ғояни жўнлаштириб (примитивлаштириб), қадрсиз қилди, холос.

“Умумтурк Алифбоси” каби осон амалга ошиши мумкин бўлган бир тадбирни эплай олмаган бу «лидер»лар бундан жиддийроқ масалаларни қандай идрок эта билсинлар?

Бундан 10-15 йил аввал «Асир Турклар» деган бир шиор бор эди. Америкадаги Турк жамиятлари мустамлака остида яшаётган Туркистон туркларининг ҳақларини талаб қилиб, Нью-Йорк кўчаларини тўлдириб намойишга чиқардилар,

фақат Советлар Бирлиги тарқаб, у ердаги турклар (қозоқ, қирғиз, туркман, ўзбек) мустақилликка эришганларидан сўнг бу шиор ҳам ғойиб бўлди.

Ваҳоланки, асир бўлган фақат Совет турклари эмас, Урумчида, Шарқий Туркистонда яшаган миллионларча уйғур қардошларимиз ҳам асир эдилар. Каркукда, Шимолий Ироқда яшаган туркман биродарларимиз ҳам асир эдилар; улар бугун ҳам асирдирлар.

Агар биз бир-биримизни ҳимоя қилмоқчи бўлсак, буни ҳар қандай бир суперқувватнинг сиёсий конъюнктураси чегарасида эмас, ҳақиқий миллий шуур билан, нима қилаётганимизни билиб қилмоғимиз керак.

Раҳбарларимиз қардошларимизни эзаётган золимлар билан ишбирлиги қилмоқдалар, чунки ўзлари ҳам золимдирлар. Мен сивил қурилишларга, жамиятларга, уларнинг кўнгилли аъзоларига муурожаат қилмоқдаман. Фақат сизлар бир ишни қилишларингиз мумкин.

Фақат турк жамоатчилиги Урумчидаги, Каркукдаги туркларга қарши бошланган қатлиомни тўхтатиш мумкин.

Тибетликлар ўзларига уйғуланган Хитой зулмини дунёга эшиттира олди, жамоат ташкилотларимиз ҳам Хитой ҳукуматининг Уйғур туркларига, Саддоннинг Ироқ туркларига қарши қилган зўравонликларини, ваҳшийликларни дунёга эшиттиришлари зарур.

Мен пантуркчи эмасман, фақат Турк қавмларининг бир куни ўзини англаяжаги, ҳатто бир куни бирлашажага ишонган бир идеалистман.

Бундай бирликдан дунёга зарар келса, нари борса, Оврўпа Бирлигидан келгани қадар келиши мумкин.

Агар бу бирликдан дунёга фойда келса, «ОБ»дан келган фойдадан кўпроқ келади, деб умид қиламан.

Бу бирлик қурилса, Оврўпа Бирлиги ўлкалари жойлашган ҳудуддан кенгроқ ҳудудга тинчлик, фаровонлик ва истиқрор ҳоким бўлажақдир.

Буни тасаввур этмак, буни орзу қилмоқ на гўзал машғулот, билсангиз...

Мен, баъзан турк газеталари ёзгандек, шариатчи эмасман.

Фақат Оллоҳга иноман. Агар инонмоқ шариатчилик бўлса, ўзбекларнинг аксарияти шариатчидир. Уларни коммунист режим атеист қила олмади, энди Каримов уларни атеистга айлантормоқчи, аммо бекорга овора бўлади.

У ерларда бир-икки ўзлигини та-

нимаган, алданганлар чиқиб «мен ваҳҳобийман», «мен хизбчиман» деб, диктатор тегирмонига сув қуйиб, унинг диндорларга қилаётган зулмининг янада шиддатланишига сабаб бўлди.

Аммо на бу жоҳиллар, на-да Каримовнинг атеизми (худосизлиги) ўзбекларни йўлдан адаштира олади. Ўзбеклар - Туркистон турклари — муслимон ўлароқ Пайғамбаримиз (с.а.в) буюрган мўътадил йўлни танлаганлар. Улардан фундаменталист (тубдандинчи) чиқармоқ мумкин эмас. Худди атеист чиқармоқ мумкин бўлмагандай.

Айтмоқчиманки, Туркистонда «юртбошилар» айтган «тубдандинчилар» йўқ.

Бизда «тубдандинсизлар» бор. Бу эски коммунистлардан иборат бир кичик гуруҳ, жамият учун таҳликасиз, дейиш мумкин.

Фақат бу «тубдандинсизлар»дан баъзиларининг давлат тепасида бўлиши кейинги йилларда ўлкамизнинг барқарорлигини бузгани ҳақиқатдир.

Улар ҳам «тубдандинчилар» каби «Ўзлари»дан бўлмаган ҳар қандай одамни душман санаб, уни йўқ этишга уринади доим.

Бугун Ўзбекистон зиндонларида қийноқ ва исканжа кўраётган мингларча муслимон бор, уларнинг ягона айби у фанатикларга ўхшамаганидир.

Мен ҳам уларга ўхшамаганим учун юртимни тарк этишга мажбур бўлдим. Фарбнинг нозу неъматларидан баҳраманд бўлиш учун ўлкамни тарк этганим йўқ. Ёки Туркиядан бошпана сўраб, бу қардош ўлкани ноқулай аҳволга солмоқ учун ҳам эмас.

Бизнинг Туркиядан ёрдам кутганимиз тўғридир, аммо олган ҳеч бир ёрдимимиз йўқ, бундан хафа бўлаётганимиз ҳам йўқ.

Бизнинг ягона истагимиз, Туркия «Ташқи Турклар»ни унутмасин. У ердаги режимлар билан халқ ўртасидаги нозик фарқни вақтида илғаб олсин ва ўз стратегиясини шу фарққа кўра курсин.

Албатта, «Ташқи туркларни» аввал Оллоҳ, кейин яна ўша «ташқи турклар»нинг ўзлари қутқаражақдир. Фақат янги давлат қурилар экан, ёнингда қардошларинг нафасини ҳис этмак гўзал бир туйғудир.

Менинг бутун «пантуркизм»им шу нафасни эшитмак орзусидан бошқа нарса эмасдир.

Муҳаммад Солиҳ
(07.10.2000. Осло, Норвегия)

«ЭРК» РАҲБАРИ МУҲАММАД СОЛИХ БРИТАНИЯДА

ВВС. Ўзбекистоннинг мухолифатдаги “Эрк” демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солих Британияга келган.

“Эрк” раҳбари Лондонда Марказий Осиё бўйича мутахассислар ва Британия парламентининг вакиллари билан учрашади.

Муҳаммад Солих Британияда Қироллик Ташқи Алоқалар институти ва ё Chatham House таклифи билан келган. “Эрк” раҳбари Chatham Houseда Ўзбекистондаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар истиқболлари ҳақида маъруза қилди. Муҳаммад Солих мазкур сафари билан Ўзбекистондаги демократик кучларга кўпроқ дастак олиш ниятида эканлигини айтади.

Муҳаммад Солих Британияга келган илк ўзбек мухолифати раҳбаридир.

Муҳаммад Солих 1991 йилда Ўзбекистондаги президентлик сайловларида Ислом Каримовга ягона муқобил номзод бўлган эди. 1993 йилдан бери муҳожирликда яшаётган Муҳаммад Солих Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1999 йилги Тошкент портлашларига алоқадорлик ва террорчиликда айбланган.

Андижон воқеаларидан кейин Ғарб ва Ўзбекистон муносабатлари совуқлашар экан, Ғарб, хусусан, Британия Ўзбекистон мухолифати билан муқобил мулоқотларни бошламоқдами?

Ана шу савол билан Би-би-си Британиядаги Либерал-демократлар партиясидан парламент аъзоси Лембит Опикга мурожаат қилди.

Лембит Опик: - Менимча, биз демократик принциплар мамлакат ташқарисидан эмас, балки ичкари-сидан келишини эътироф этишимиз керак бу ўринда... Худди шу нуқтаи назардан, мен британиялик сиёсатчиларнинг Ўзбекистонда демократия истаётганлар билан мулоқотда бўлишини табиий қабул қиламан.

Аммо менинг назаримда, дейлик, Ўзбекистонда инқилоб уюштиришга ҳомийлик ғоясини қабул қилиб бўлмайди. Менимча, муҳими бу каби мулоқотларда чуқурлашиб кетмасликдир.

Муҳаммад Солих масаласига келсак, масаланинг бир томони унга нисбатан муносабатлар билан ҳам боғлиқ... Ўзбекистон ҳукумати орасида уни “террорчи” деб танийдиганлар бор. Сиёсат тарихида зотан бу ҳам нормал бир ҳолатдир...

Кимдир ким учун озодлик курашчиси ва бошқа бир ким учун террорчи... Менимча, Буюк Британия учун ким яхши-ю ким ёмон, деб қарор бериш жуда хатарнок бир иш бўларди. Аммо токи, Британия муносабатларни яхшилаш ва қолаверса, демократия равнақи учун ҳаракат қилишни истар экан, бунинг йўлларидан бири шахслар билан мулоқотда бўлиш ва улар билан бирга ишлаш, деб билламан. Умид қиламанки, мулоқот Ўзбекистон ҳукумати таркибидаги шахслар билан ҳам олиб борилади, аммо тушунаман, бу жуда мушкул вазифадир...

Би-би-си: - Аммо Муҳаммад Солих Британияга сафар қилмоқда ва айтиб ўтганингиздай, у Ўзбекистон ҳукумати томонидан террорчиликда айбланади... Шунда ҳам унинг Британияда бўлиши Муҳаммад Солихни яна ўзингиз айтганингиздай, “яхши одам”га айлантириб қўймайдими?

Лембит Опик: - Менимча, Британияда айримлар Муҳаммад Солихни Ўзбекистондаги сиёсий бир қарашларнинг муҳим бир вакили, деб танишади. Аммо бу дегани биз фақат Муҳаммад Солихнинг фикрларига қулоқ тутамиз, дегани бўлмаслиги керак. Британия Ўзбекистондаги барча гуруҳлар билан мулоқот қилмоғи мақсадга мувофиқ бўларди.

Би-би-си: - Муҳаммад Солих, ўн йилдан ортиқ муҳожирликда яшаб, Ўзбекистонда демократик ислохотларга чақириб келаяпти, унинг бугунги сиёсий салоҳиятини қандай баҳолаган бўлардингиз?

Лембит Опик: - Албатта, айримлар Муҳаммад Солих Ўзбекистонда демократия яратади, деб ўйлашади. Аммо муҳожиротнинг узоқ йиллари давомида Муҳаммад Солихнинг мамлакатдаги кучлар билан алоқалари аввалгидай жиддий ва мустақам бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам мен Британия Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар тарафдорлари билан ўта эҳтиёткорлик билан муносабат қилиши тарафдориман. Буюк Британия бошқа мамлакатларда сиёсий тузумларни ислох қилмаслиги керак, аммо Британия соғлом мувоҳасалар учун замин яратиши ва масалан, турли сиёсий қарашдагилар билан Британияда соғлом мунозара ва мулоқотлар уюштириши мумкин.

(19.01.2006)



«ЭРК» РАҲБАРИНИНГ ЛОНДОН УЧРАШУВЛАРИ

Лондонга Британия Қироллик Ташқи Алоқалар институти - Chatham House таклифи билан келган «Эрк» партияси раҳбари Муҳаммад Солих дастлаб шу институтда маъруза қилди. Шундан сўнг Британия ташқи ишлар вазирлиги, бизнес ва матбуот доиралари вакиллари ва Марказий Осиё бўйича мутахассислар билан давра суҳбати уюштирилди.

Chatham House жаҳоннинг етакчи стратегик тадқиқот марказларидан ҳисобланади. Марказий Осиё эса Chatham House тадқиқот соҳаларидан бири.

«Эрк» партияси раҳбари маърузасида асосий эътибор, Ўзбекистонда Андижон ҳодисаларидан сўнг вужудга келган вазият ва партиянинг мамлакат келажаги борасидаги қарашларини изҳор этишга қаратилди.

Маърузадан кейинги саволлар Ўзбекистон-Британия ва Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ҳақида, Андижон ҳодисаларидан сўнг ташқи дунёнинг Ўзбекистонга муносабати ўзгаргани ёки йўқлиги ҳақида бўлди.

Шуниси аниқки, Америка ва Буюк Британия ҳукуматлари ҳозирда Ўзбекистондаги мухолиф гуруҳлар овозларига фаолроқ қулоқ тута бошлади ва Муҳаммад Солихнинг Лондонга сафари ана шу ўзгариш белгисидир.

Жаноб Солихнинг йиғилганларга қарата айтишича, халқаро ҳамжамият Президент Каримовнинг сиёсати қабул қилиб бўлинмас эканлигини кўрсатиб қўйиш учун кўплаб ишларни амалга ошириши мумкин, лекин мамлакатдаги ўзгаришлар барибир ичкаридан амалга оширилиши керак.

Муҳаммад Солихга кўра, Ўзбекистон ҳукумати ўз легитимлигини йўқотган ва ҳукумат билан халқ орасида зиддият кучайиб бормоқда.

(20.01.2006)

МУҲАММАД СОЛИХ ҒАРБНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ТИНЧ ИНҚИЛОБ»НИ ҚЎЛЛАШГА ЧАҚИРМОҚДА

Ўзбекистонга «бахмал инқилоби» сценарийси тўғри келадими ва диктатор

Ferghana.ru, 30.01.2006

Д. Кислов

Ўзбек халқи кўпдан буён кутиб қолган демократик ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларни қувғиндаги муҳолифат халқаро ҳамжамиятнинг мадади билан амалга ошириши мумкин. Ислоҳ Каримовнинг ўн уч йилдан буён мусофирликда юрган эски рақиби, ўзбек адабиётчиси ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ Ғарб элитасини айнан мана шу нарсага ишонтиришга ҳаракат қилмоқда. Романтик бўлган Муҳаммад Солиҳ кўчага фақат оддий одамларнигина эмас, балки Ислоҳ Каримов режимида норози бўлган ҳокимият вакиллари ҳам олиб чиқмоқчи. Солиҳнинг тарафдорлари у Грузия, Украина ва Қирғизистондагидек «бахмал инқилоб»ни амалга ошира олади, деб ҳисоблайдилар. Рақиблири ҳозирги ҳокимиятни куч билан ағдариш мамлакатда Афғон ва Ироқ сценарийси бўйича талотўпга сабаб бўлади, деб кўрадилар.

Шоир Муҳаммад Солиҳ ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида сиёсат билан шуғуллана бошлади. Зиёлилар орасида обрўли таниқли адабиётчи, «Эрк» муҳолифат партиясининг асосчиси Солиҳ Ислоҳ Каримовга қарши чиқиб, 1992 йилдаги президентлик сайловларида иштирок этади. Солиҳ ютқазиб қўйди, бироқ ўзбек жамиятида унинг тарафдорлари кўп эканини кўрсатиб қўйди. Айнан мана шу нарса, кўпчилик кузатувчиларнинг фикрига кўра, амалдаги президентнинг «сиёсий мурватларни қаттиқроқ бураши»га туртки берган.

Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда «демократия ўйинлари» ниҳоясига етди. Ҳокимият ўзгача фикрловчиларнинг оғизларини ёпиб, барча сиёсий фаолларни мамлакат ташқарисига қувиб чиқарди ёки яширин ишлашга ўтишга мажбур қилди. Солиҳга нисбатан жиноий иш кўзғатилди, у Норвегияга кўчиб кетди. Қувғинда уни тўла унутилиш, чет эл либерал матбуотида баъзи чиқишлар ҳамда Каримовга қарши сайтларга мақола ёзишлар кутиб турарди. Тўқсон тўққизинчи йилнинг февралдаги ғалати портлашлардан кейин Солиҳ терактлар ташкилотчиси бўлиб «белгиланди». Бугун у – Тошкент томонидан қонуний «ҳокимиятни ағдариш мақсадида терактлар уюштиргани

учун» 15 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган жиноятчи.

Солиҳ учун «Каримов Ўзбекистони»га йўл таққа ёпилган бўлишига қарамай, охириги йилларда «Эрк» лидери гўеки ўз даври келишини, ўзининг керак бўлиб қолишини кутаётгандек эди. Андижон воқеаларидан кейин қувғиндаги сиёсатчи анча жонланиб қолди. У ўз штаб-квартирасини Туркияга кўчирди. Унинг Истанбулдаги идорасида бугунги кунгача кўплаб диссидентлар ва ҳамкасбларигина эмас, Солиҳ билан бирга бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган собиқ етакчилар ҳам бўлиб улгуришди.

2005 йилнинг июнида Муҳаммад Солиҳ АҚШга таклиф этилиб, у ерда Колумбия университетида интерактив брифингга чиқиш қилди. 2006 йилнинг январидан у Буюк Британия юқори лавозимдаги шахслари билан бир неча учрашув ўтказди. Жумладан, у Chatham House номи билан маълум бўлган Қироллик институтида сиёсатшунос ва дипломатлар олдига нутқ сўзлади, Буюк Британия консерватив партияси институти – Policy Exchangeда қисқача маъруза ўқиди. Икки ҳафтадан кейин февралда эса, Солиҳ Вашингтонга ташриф буюради, ҳукумат амалдорлари ва экспертлар билан музокаралар олиб боради. Америкалик оқсуяклар билан учрашувларга у бошқа муҳолифатчиларни ҳам таклиф қилган.

Ўзининг чиқишларида сиёсатчи шоир Ғарб демократиясини Ислоҳ Каримовни ҳокимиятдан четлатишда иштирок этишга чақириб, уларга Ўзбекистонда оммавий халқ чиқишларини ташкил қилишга ваъда бермоқда. «Инқилоб» сўзини ҳеч ким бизчалик жиддий қабул қилмаяпти, - дейди Солиҳ, - сабаби ҳеч ким унинг бу қадар зарурлигини бизчалик ҳис қилгани йўқ». Каримов рақибининг нутқлари ўзбек халқига озодлик бериш ҳақидаги романтик чақириқлар ва халқнинг ўз овозига эга бўлиш ҳуқуқи ҳақидаги чиройли иборалар билан тўла. Бироқ Муҳаммад Солиҳ инқилобдан кейин нима қилиш кераклиги ҳақида ҳеч нарса демаяпти. Гўеки ҳаёт ўз-ўзидан изига тушиб кетади, деб хаёл қилаётгандек.

Ғарб Муҳаммад Солиҳга қандай ролни тайёрляпти?

Каримов ҳокимиятининг «тинч йўл билан» қулаши Афғонистон ва Ироқда бўлгани каби хаосга айланиб кетмайдими? Бугун Солиҳ Ўзбекистонда қанчалик обрўга эга? Ўзбек муҳолифатида халқ орасидаги ва ҳокимият структураларидаги норози омманни бирлаштириб кета оладиган одам борми? М. Солиҳ инқилобдан кейинги Ўзбекистон учун «Ҳамид Қарзай мисол» «миллат қутқарувчиси» ролни бажаришга ярайдими?

«Фарғона.Ру» Марказий Осиё бўйича россиялик экспертларнинг бир нечтасидан мана шу саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

Аркадий Дубнов, «Время новостей» газетаси шарҳловчиси:


- Ўзбекистоннинг «Эрк» ва Тожикистоннинг Ислоҳ уйғониш партияси ўрта Осиёдаги энг кўхна ва яхши ташкиллаштирилган муҳолифат ташкилотларидир. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда Муҳаммад Солиҳнинг очик ва яширин тарафдорлари кўп. Жумладан, уларнинг элита орасида ҳам борлигини мен инкор қилмайман. Бироқ ўйлайманки, умуман олганда, ўзбек элитаси анча консерватив ва кланлар сиёсий ошхонасидаги ички қоидаларни радикал равишда ўзгартириш тарафдори эмас. Шунинг учун мен Муҳаммад Солиҳнинг томонидан қабул қилиниб, таъсир доираларини бўлиштиришда иштирок этишига, шаклланиб қолган қоидаларни ўзгартиришига йўл берилади, деб ишонмайман.

Шу сабабли мен Солиҳнинг ҳозирги фаоллашуви биринчи галда ўзбек элитаси ва Ўзбекистон раҳбариятининг ҳокимият меросхўрини излаш давомида ўзининг ички структурасини ислоҳ қилиш ва ҳокимиятда ҳозирги мавжуд тартибни сақлаб қолиш борасидаги ҳаракатлари ва ниятларининг катализатори бўлиб бериши мумкин, деб ўйлайман. Айнан Муҳаммад Солиҳнинг ташқаридан туширилган жиддий сиёсий фигура бўлиб қолиши хавфи Тошкентни ана шу йўналишда ҳаракат қилишга мажбур қилиши керак.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзбек Ҳамид Қарзайи бўлиши истаги бўлиши мумкинлигига келсак, мен қуйидагиларни айтиб ўтмоқчи эдим.

(Давоми келгуси сонда)

ДНКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР



Дунёдаги барча жонзотлар – вирус, микроб, пашша, ҳашарот, ўсимлик, балиқ, ҳайвон, инсон – ҳаммаси икки бурмали (ипликли) ДНКга эга-лар.

Нормал ҳаёт тарзи кечирган инсоннинг ёки дунёдаги хар

қандай жонзотнинг ДНКси туғилишдан ўлимгача ўзгармайди. Бирор инсоннинг ёки жонзотнинг ДНКсида ўзгаришлар рўй бериши учун бир неча юз йил каби узок вақт керак.

Аммо олимлар ДНКдаги ўзгаришлар қисқа муддатларда юз бериши мумкинлигини, инсон умр давомида муайян ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирмоқдалар.

Масалан:

ДНКнинг ўзгаришга учрашининг энг осон йўли ДНКга маълум бир вирус билан таъсир қилишдир. Эпштейн Барр ва Герпес-6 каби ДНК вируслари ҳужайраларнинг тузилмаларини ўзгартира оладилар.

Сунъий хушхидлар (ароматлар), лазер нури, сас-товушдан ёйиладиган баъзи вибрациялар ва акс-садолар ДНК молекуларининг ичидаги икки бурманинг (ипликнинг) эришга ва ўзгаришга мойил ҳолга келтиради.

ДНКдаги ўзгаришларни ўрганган олимлар: “Тахминан 5-20 йил олдин бошланган даврда инсоният доимий ўзгаришлар остида эди. Энди инсон ДНКси 12 бурмали (ипликли) ҳолга келяпти. Бу охири нима бўлиши номаълум бўлган ўзгаришдир”, дейдилар.

Баъзи тадқиқотчиларга кўра, инсонлардаги ДНК ўзгаришлари 2012 йилгача яқунланади.

Яъни шу санадан эътиборан, дунёда 2 бурмали (ипликли) ДНКга эга инсон қолмайди. Агар бу тўғри бўлса, инсоннинг ўзи қолмайди, чунки жониворларнинг ҳаммаси Оллоҳ тарафидан фақат 2 бурмали ДНК билан яратилгандир.

Бу ғайритабиий ўзгаришда, яъни бир турдан иккинчи, номаълум бир турга айланишда инсон нималарни ҳис қилиши мумкин?

Олимлар бу саволга шундай жавоб беришади:

ДНК ва ҳужайралар ўзгаришга учраган, инсон ўзини ўзи яшаган жойда эмас, бошқа бир жойда яшаётгандек сезиши мумкин

Чарчоклик ҳис қилиши мумкин, чунки организмдаги ҳужайралар батамом ўзгарган бўлади ва инсон янги, бошқача бир борлиққа, мавжудотга айланган бўлади. Чақалоқ каби кўп ухлашга эҳтиёж сезиши мумкин.

Зехнида (онгида) чалкашликлар ва ишларга тартиб билан диққатини жамлашда қийинчиликларга учраши мумкин.

Бирон-бир сабабсиз оғриқлар ва сикилишлар кўпайиши мумкин.

Юзаки кўринмайдиган жисмоний сабабсиз руҳий тушқунлик ва муаммолар дучор бўлиши мумкин.

Аёллар бесабаб йиғлайдиган бўлишади, барвақт менопазга дучор бўлишади.

Эркаклар кучли ва қувватли бўлганларига қарамай доимий чарчаш, безовталиқ хис этадилар, уларда хотинларга хос шафқат туйғулари пайдо бўлади,

Мана шундай шикоятлар билан келган одамларни даволаш билан шуғулланувчи, бутун дунёга машхур докторлардан бири: “Беморларга аввало унинг ДНКси ўзгаришга учраганини ва бу ўзгариш нормал нарса эканлигини тушунтирамиз. Тузалиш учун бу ҳолга қаршилиқ кўрсатмасликни, ўзгаришни қандай бўлса, шундай қабул қилиш кераклигини уқтиряпмиз. Даво сифатида биоэнергия терапияси, йога, рейки каби энергетик бадантарбия, гормонал терапия, гомеопатия, ароматерапия, витамин, шифоли ўтлар ва совуқ лазер терепиясини тadbик этапмиз.

Даво усулларининг кўпини бошқа қуёш тизимлари(галактика)дан келган, дунёга, бугунги ўзгаришлар даврига ёрдам бериш учун инкарнация (қайта мужассам) бўлган борлиқлардан ва руҳий оталаримиздан ўрганияпмиз”, дейди.

Шундай экан,

Кундалиқ ҳаётнинг ҳар ониди олдимиздан чиқаётган, ҳар бир дўконда, ҳатто янги моделдаги лифтларда доимий равишда чалинаётган, кинотеатрларда бизни тўрт томондан “бомбардимон” қилаётган акс-садоли ва вибрацияли мусикалар;

Ген технологияси ва нанотехнология ёрдамида ишлаб чиқарилган дорилар;

Гормон мувозанатсизлиги давосида қўлланилаётган синтетик гормонлар;

Ҳар бир кўчада сотилаётган ва ҳамма касалликка қарши гомеопатияда қўлланилаётган кичик таблеткалар;

GM бактерияси воситасида ишлаб чиқарилган витаминлар, ферментлар ва таъм берувчи моддалар;

GM шифоли ўт махсулотлари;

Қалокланган таомлар ва ичимликларда, кир ювиш воситаларида, хушхидли тасбехлар, рўмол ва кийимларда, спиртли ёки спиртсиз дезодорантларда, парфюмерия махсулотларида, хона спрейларида (освежителлар), хид кетказувчиларда қўлланилаётган, ген технологияси ва нанотехнология ёрдамида ишлаб чиқарилаётган “табиийга ўхшаш хушхидлар (ароматлар)”;

Совуқ лазер терапияси, лазер жарроҳлиги ва лазер депиляцияси (қилни тўкиш),

“Инкарнация (қайта мужассам) бўлган борлиқлардан” ўрганилган бошқа усуллар.

ДНКда, албатта, чуқур ўзгаришларни бошлайди ва бизларни инсонлар туридан чиқариб, бошқа турдаги жонзотларга айлантиришади.

Бу зарарли нарсаларни ишлаб чиқарган, бу махсулотларни қўлланган, мусикани ёзган, уни тинглаган ҳам, даво-

ловчи ва даволанувчи ҳам, Оллоҳ олдида бир хил жавобгардир.

Юқорида сўзлари келтирилган докторнинг: “Тузалиш учун қаршилиқ кўрсатмасликни, ўзгаришни қандай бўлса, шундай қабул қилиш кераклигини уқтиряпмиз”, деган сўзларидаги «ўзгаришга қаршилиқ қилма!» огоҳлантириши эътиборимизни тортди.

Бу огоҳлантиришда яширинган маъно шу: ДНК ўзгаришлари нимага олиб келишидан хабардор бўлган, ўзининг ДНКсида бўлаётган ўзгаришларга қаршилиқ кўрсатадиган кишиларда ДНК ўзгариши энгил ва осон амалга ошмайди!

Бу гаплар биз, мусулмонлар, учун янгилик эмас. Бу ҳолат “Бақара” сурасининг 102-чи оятида шундай тушунтирилади: “Улар (шайтонлар) инсонларга сеҳр-жодуни ва Бобилдаги икки фаришта Хорут ва Морутга туширилган нарсаларни ўргатишарди. Қолбуки, у икки фаришта ҳаммага “Биз фақат имтиҳон учун юборилдик, бизни нотўғри тушуниб, кофир бўлиб қолмангиз”, демасдан туриб, ҳеч кимга сеҳр илмини ўргатмасдилар.”

Эътибор берган бўлсангиз, юқорида зикр этилган машхур доктор ҳам ўз баёнотида худди Хорут ва Морут каби бизни очик огоҳлантирапти.

“Даво усулларининг кўпини бошқа қуёш тизимларидан келган, дунёга, бугунги ўзгаришлар даврига ёрдам бериш учун инкарнация (қайта мужассам) бўлган борлиқлардан ва руҳий оталаримиздан ўрганияпмиз”, деганда доктор мана шу оятда зикр этилган мавжудотларни назарда тутдимикан?

Энергетик бадан устида ишлаш, яъни биоэнергия каби парапсихологик, гормонал терапиялар, гомеопатия, мусика терапияси, ароматерапия (сунъий хушхидлар терапияси), совуқ лазер терапияси ва лазер жарроҳлиги каби муолажалар тўғридан-тўғри ДНК ва руҳиятга салбий таъсир ўтказиши.

Шу ерда бир насага диққатингизни тортмоқчиман: бир неча йил олдин мен учратган компьютер ўйинининг реклама шиори шундай эди: “Сиз ҳали ҳам буни атиги бир ўйин деб ўйлаяпсизми?”

Йуқ, энди биз буни «атиги бир ўйин» деб ўйламаймиз! Бугунги кунда биз компьютер ўйинлари инсон генини ўзгартирадиган ва зехн бошқарадиган психотроник бир курол эканлигини жуда яхши биламиз.

“Дунёдаги барча жонзотлар икки бурмали (ипликли) ДНКга эга бўлса, биздаги ДНК тизими ўзгарса, биз дунё борлиқларидан чиқиб, дунёлар орасида юрадиган борлиқларга айланиб боряпмизми?”, деган саволга олимлар, бир томондан, аниқ жавоб бера олмай, иккинчи томондан, шундай ваъдалар бермоқдалар:

Ген муҳандислиги генетик тузилишга тўғридан-тўғри таъсир ўтказиб, бадан касалликларини даволагани каби, модда боғлиқлиги, хулқ-атворнинг бузилиши, аксилитимой шахсият, шизофрения ва айбдорлик ҳисси каби руҳий бузилишларни ва ақл касалликларини ҳам даволаса бўлади;

(Давоми кейинги саҳифада)

ДНКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Инсоннинг генетик тузилишига бошқача таъсир қиладиган ва унинг фақат касал қисмини кўз остига оладиган, организмнинг бошқа қисмларига таъсир ўтказмайдиган дорилар ишлаб чиқарилади;

Касалликлар ва ўлим йўқ бўлади, бу дунёдаги ҳаёт чексиз давом этади;

Ген технологияси ёрдамида болаларимиз ўзимиз истаганимиздек қилиб яратилади;

Қамокхоналарга эҳтиёж қолмайди;

Ўликларимиз тирилтирилади;

Яшаш ҳақиқати ғам-ғусса чекиб эмас, завқ ва севги ичида ўрганилади...”

Уларнинг бу ваъдалари ҳақида бизга, мусулмонларга, 14 аср олдин Қуръони Каримда хабар берилган: “Ким Аллоҳни ташлаб, шайтонни дўст тутса, албатта муқаррар зиён кўради. Шайтон сўз беради ва умидлантиради, бироқ унинг сўзи алдовдан бошқа нарса эмас. Дарҳақиқат, уларнинг борадиган жойи жаҳаннамдир; ундан (жаҳаннамдан) қочиб, кутула олмайдилар”. (“Нисо” сураси, 120-121).

Юкорида келтирилган ваъдаларга ўхшаш баъзи ваъдалар авваллари ҳам берилганди: ижод қилинган ускуналар ишлаб чиқаришни осонлаштиради, ҳашаротларга қарши дорилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари йўқотилишининг олдини олади, гормонлар ҳосилни кўпайтиради, синтетик дорилар ва антибиотиклар барча касалликларга барҳам беради, туғиш назоратга олинади, туғишда оғрик бўлмайди ва ҳақозо..

Аммо бу ваъдалар тараққиёти натижасида кундан кунга экологик қиёмат яқинлашаётганини кўряпмиз.

Технологиянинг ривожланиши ва ҳашаматли (комфортли) ҳаёт кечириш мақсадида истеъмол ҳажмининг бутун дунёда ошиб бориши, худбинлашиб кетган инсонларнинг дунёда яшаётган бошқа жонзотларнинг ҳақ-хуқуқларига тажовуз қилиши ва табиийликдан узоклашиб кетиши натижасида экологик мувозанат остин-устун бўлган.

Дори, қўшимча модда ва озик-овқат индустрияси, кимёвий моддаларга суяниб қолган қишлоқ хўжалиги, автомобиллар, учоқлар (самолётлар), электростанциялар ва фабрикалар каби миллионлаб тизимлар томонидан ишлаб чиқарилаётган миллионлаб тонна чиқиндилар экологик тизимни янчиб ташлайдиган ҳажм ва кучга эга:

Бу чиқиндилар тупрокни, сувни, ҳавони ва барча жонзотларни захарламақда.

Ўрмонлар қуриб боряпти, экологик занжирнинг маълум халқасини ташкил қилувчи баъзи ҳайвон турлари камайиб, йўқолиб кетмоқда.

Хлорли карбон, азот оксиди, карбонат диоксид каби чиқинди газлар озон қатламнинг тешилишига ва глобал иссиқга олиб келди.

Озон қатлами тешилиши сабабли бутун дунё ультрабинафша нурларнинг

таъсири остида қолди. Ультрабинафша нурлар эса ўз навбатида мутация ва саратонга чалиниш ҳолатларининг ошишига олиб келмоқда.

Глобал иссиқ билан қутблардаги музлар тез суръатларда эриб кетмоқда; музлар эриши сабабли океан ва денгизларда сув даражаси юксалиб бормоқда, янги вирус ва бактериялар пайдо бўлмоқда.

Қутблардаги музларнинг эриши океанлардаги иссиқ-совуқ сув оқимларига ва шамол ҳаракатларига таъсир қилмоқда, бунинг натижасида Ер юзиде иқлим ҳаракатланиши ўзгармоқда. Ёмғирлар камаймоқда, чўллар кўпаймоқда, бунга муқобил баъзи мамлакатларда олдинлари ҳеч кузатилмаган селлар пайдо бўлмоқда.

Иқлимнинг ўзгириши ҳайвон ва ўсимликларнинг биологик ритмини бузмоқда. Масалан, бевақт исиган хавонинг таъсирида эрта гуллаган дарахлар, барвақт жуфтлашган ва болалаган ҳайвонлар совуқ туфайли ўлиб кетмоқда.

Сув манбалари тугаш арафасида.

Туғишни назорат қилувчи таблеткалар ва бошқа синтетик гормонларнинг қолдиклари, хусусан, остроген гормонига тақлид қилиб ишлаб чиқарилган кимёвий моддалар табиий майдонларга, дарё-денгиз сувларига ташланмоқда, ҳайвонларнинг ва балиқларнинг бепуштлигига ва жинсияти ўзгиришига сабаб бўлмоқда.

Инглиз “Индепендент” газетасида босилган ҳисоботга кўра, кунимизда кенг қўлланилган кимёвий моддалар-инсондан тортиб балиқларгача, балиқлардан эмизувчи-умуртқалиларнинг бутун турларига қадар эркакларни урғочилаштирган ва ҳайвонларнинг жинсий органларига, урчиш қобилиятларига зарар берган.

Мақоланинг муаллифи, Инглиз ҳукуматида кимёвий моддаларнинг соғлиққа таъсири бўйича муттахассис Gwynne Ljons тадқиқотлар эркакларнинг тамал (фундаментал) хусусиятлари таҳдид остида турганини кўрсатган.

Рапортнинг асос хулосалари шундай:

Тимсоҳларда паст савияда тестостерон ва юксак савияда остроген, эркаклик безларида аномаллик, урчиш муваффақиятсизлик ва пенисларининг ҳаддан ташқари кичиклиги тасбит этилди.

Аляскада эркак “ситка” кийикларининг учдан бирида жинсий безларининг умуман ташқарига чиқмагани аниқланди.

Жанубий Африкада кимёвий моддалар кирланган табиат ҳудудларида бир сичкон тури эркакларининг ҳеч сперма ишлаб чиқармагани ўрганилди.

Эрасмус Университетининг бир тадқиқоти полихлорбифениллар (хлорофос каби) билан захарланган эркак болаларнинг каттайганларида кўғирчок ва идиш товоқ билан ўйнашни истаганликларини аниқлади.

Канада, Русия ва Италияда бу тур кимёвий моддалардан кирланган бўлгаларда яшаган аҳоли ичида қиз болаларнинг эркаклардан икки баробар кўп туғилаётгани тасбит этилди.

Америкада эса полихлорбифениллар (РСВ, хлорофос каби) билан захарланган бизонларнинг пенислари нормалдан анча қисқа эканлиги кузатилган.

Нью Йоркдаги Рочестер Университетининг бир тадқиқотида пластик идишларда қўлланилган острогенсимон моддалардан захарланган оналар туққан эркак болаларнинг пенислари ниҳоятда кичик бўлганлиги кўрилган.

Бугун Шимолий қутбда гермофродит айиқларга дуч келинмоқда. Тўрт юздан ортик кимёвий модда билан кирланган Флорида ҳудудларида пантераларнинг спермалари аномаллашгани ва бу ҳудуддаги тошбақаларнинг эркакларида урғочилик хусусиятлари ташхис этилди.

Бу экологик қиёмат ишоратларини Марказий Осиё Турк Жумҳурияларида ҳам кузатиш мумкин. Кимёвий моддалар кенг қўлланилаётган пахта плантациялари бўлгасидаги, айниқса, Ўзбекистондаги аёлларда қисирлик кундан-кунга ортиб бораётгани каби, эркакларда ҳам иктидорсизлик кенг ёйилмоқда.

Тиббий дорилар, қўшимча моддалар, кир ювиш воситалари ва синтетик овқатлар аёлларни эркаклаштириб, эркакларни эса аёллаштириб юбормоқда ва инсонларни бепуштир қилмоқда. Бепуштлашган одамлар сунъий бола ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда, инсоният роботлашиш тарафга кетмоқда.

Ген технологияси ва нанотехнология билан жиҳозланган тиббиёт макромикёсда касалликларнинг сабабини тушунмай туриб, даволай олмагани ҳолда, микросавиясида, ҳатто ген савиясида инсонни даволашга уринмоқда.

Натижада, инсон инсонийлик сифатларини йўқотиб, мажхул мавжудотларнинг сифатларига бурканмоқда.. (“Зехн (онг) назорати”, “Бепуштлик”, “Эндометриоз”, “Қўшимча моддалар” бўлимларига қаранг.)

“Фитна замонида инсонларнинг энг хайрлиси тоғ бошига кетиб, ўз уйидаги қўйини сутидан ичгандир.” (Ҳадиси Шариф)

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми кейинги сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолiddин Йўлдош